



Ахмад ибн Асад
(?-865)
(842-864)

817-йилдан Фаргона ва 842-йилдан Самарканд амири бўлган. Сомонхудотнинг набираси. Рофе ибн Лайс кўзголони пайтида Ахмад ибн Асад ўз биродарлари Нух, Яхё ва Илёслар билан Сугдда кўзголони бостиришда халифаликка катта ёрдам берган. Бунинг эвазига халифа Маъмуннинг кўрсатмасига кўра Хуросон хокими Гассон ибн Аббод (813-821) 817-йилда Ахмад ибн Асадни Фаргонага, акаси Нух ибн Асадни эса Самаркандга, Чоч ва Уструшонага Яхёни, Хиротга Илёсни амир килиб тайинлайди. Акаси Нух вафотдан кейин (842) Ахмад ибн Асад Самарканд амири бўлиб колди. 875-йилда халифа Муътамид (870-892) Ахмад ибн Асаднинг ўгли Наср ибн Ахмадни бутун Мовароуннахр амири этиб тайинлайди. Ахмад ўз номидан мис чакалар зарб этади. Ахмад Сомоний аста-секин Мовароуннахрни ўз оиласи бошчилигида бирлаштиришга киришади. Тохирийлар Ахмаднинг бу фаолиятига каршилик кўрсата олмадилар.